

Масжидларда Рамазон ойига тайёргарлик ва маҳалла аҳллари билан ишлаш жараёнлари яқиндан ўрганилди



20:54 / 26.02.2024 1618

Айни кунларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги масжидларда Рамазон ойини муносиб тарзда кутиб олиш бўйича кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, масжидларда ободонлаштириш, тозалик, намозхонлар учун қулай шароитларни ҳозирлаш каби ишлар давом этмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари сафар давомида Наманган вилоятидаги “Исҳоқ хожи”, “Абу Юсуф”, “Имом Бухорий”, “Форуқ”,

"Шодибек" сингари жоме масжидларда Рамазон ойига тайёргарлик жараёни билан яқиндан танишиб, мутасаддилларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар бердилар.

Муфтий ҳазратлари имом-домлалар билан учрашувда тобора яқинлашиб келаётган Рамазони шарифда ўтган йил бошланган яхши анъана, яъни масжидларда 27 кунлик хатми Қуръон ва тарових намозлари бўлиши, шу йилдан энг маҳоратли қорилар юртимизнинг айрим ҳудудларида жомеларида навбат билан бир кунлик намунавий хатм ўтиб бериш анъанаси йўлга қўйилаётгани, бу масжидларимиздаги хатми Қуръонларнинг янада гўзал ва файзли ўтишига сабаб бўлишини алоҳида қайд этдилар.

Самимий мулоқотларда кейинги йилларда мамлакатимизда маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётгани, уларда халқимизнинг оғири енгил бўлаётгани, хусусан, масжид имом-хатиблари ҳам ҳамкор ташкилотлар билан кўплаб хайрли ишлар қилаётгани, эҳтиёжманд ва илмсизлиги туфайли билмасдан ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларга моддий ва маънавий кўмак бериш борасида салмоқли натижаларга эришилаётгани алоҳида таъкидланди.



